



XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 23 - iyun

VI-35-87-5-0-K/22

Navoiy viloyat hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарорига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, вақтинча ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган ёшлар билан ишлаш борасидаги вазифалар самарадорлигини ошириш, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан тизимли ишлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш, талаба ва ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича Васийлик Кенгашининг таркиби 1-иловага, туман (шаҳар)ларда “Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик Кенгашининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари (кейинги ўринларда –туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қарорга асосан, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги

вилоят бошқармасида ташкил этилган вилоят “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини вилоят маҳаллий бюджетининг прогнози орттириб бажарилган қисмининг камида 15 фоизи миқдориди ҳар чоракда ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилиши инобатга олинсин.

5. Вилоят молия бош бошқармаси (Д.Очилов) ҳар чоракда маҳаллий бюджетларнинг прогноз кўрсаткичларининг орттириб бажарилган қисмининг камида 15 фоизи вилоят, шаҳар ва туман “Ёшлар дафтари” жамғармаларига ўтказиб борилишини таъминласин.

Бунда, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда вилоят, туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаларига маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ шакллантиришга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари “Ёшлар дафтари” жамғармалари даромадларининг барқарор шакллантирилиши ва ўз вақтида молиялаштирилишини доимий назорат қилиб бориш тавсия этилсин.

7. Васийлик Кенгашлари “Ёшлар дафтари” жамғармаларидан маблағларнинг мақсадли ва тўғри сарфланишини қатъий таъминласинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари (Я.Душанов) ва Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (У.Баҳромов) ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси (Н.Содиқова) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Н.Турсунов.

Xalq deputatlari Navoiy viloyat
Kengashining
2022 yil 23 iyundagi
VI-35-87-5-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Вилоят “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш,
бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича васийлик кенгашининг
таркиби**

- 1 Н.Турсунов - Вилоят ҳокими в.б,
Васийлик кенгаши раиси
- 2 Я.Душанов - Вилоят ҳокими ўринбосари,
Васийлик кенгаши раиси ўринбосари
- 3 Б.Ахмедов - Вилоят прокурори
- 4 А.Тасбаев - Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи
- 5 А.Ботиралиев - Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи
- 6 Э.Авезов - Вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи
- 7 З.Расулов - Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
- 8 О.Раҳмонов - Вилоят Спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
- 9 Н.Ниёзов - Вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи
- 10 Д.Очилов - Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи
- 11 Ш.Хамидов - Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси
бошлиғи в.б
- 12 У.Баҳромов - Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи,
Васийлик кенгаши котиби

Изоҳ: *Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, Васийлик кенгаши таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ходимлар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган масъуллар киритилади.*

Xalq deputatlari Navoiy viloyat
Kengashining
2022 yil 23 iyundagi
VI-35-87-5-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича васийлик кенгашининг намунавий таркиби

- | | | | |
|----|------------------------|---|--|
| 1 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) ҳокимлари,
<i>Васийлик кенгаши раиси</i> |
| 2 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, <i>Васийлик кенгаши раиси ўринбосари</i> |
| 3 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари |
| 4 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) прокурорлари (келишув асосида) |
| 5 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари |
| 6 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари бошлиқлари |
| 7 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари |
| 8 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) спортни ривожлантириш бўлимлари бошлиқлари |
| 9 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) маданият бўлимлари бошлиқлари |
| 10 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари |
| 11 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | туман (шаҳар) молия бўлими бошлиқлари |
| 12 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг туман (шаҳар) марказлари бошлиқлари |
| 13 | <i>Лавозимига кўра</i> | - | Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими бошлиқлари, <i>Васийлик кенгаши котиблари</i> |

Изоҳ: *Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, Васийлик кенгаши таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ходимлар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган масъуллар киритилади.*